



ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИНГ МИЛЛИЙ ҒОЯ, АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАРИ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ



Республика илмий-амалий конференция
материаллари

Қарши-2019

26	<i>Жамолов Д.С.</i>	Ёт гоёларнинг ёшлар маънавиятига таъсири	104
III ШУЪБА. ТАЪЛИМ –ТАРБИЯ, МАДАНИЯТ, ИЛМ- ФАН, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ СОҲАЛАРИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ВА УЛАРГА КИРИТИЛГАН ЖИДДИЙ ЎЗГАРИШЛАР			
27	<i>Қаноатова Ф.</i>	Таълим тизими ислохотларининг ёшларни маънавий-ахлокий тарбиялашдаги аҳамияти	108
28	<i>Мақсадов М.</i>	Ўқувчиларни олий таълимга йўналтириш вазифалари	112
29	<i>Қаноатова К.Б.</i>	Хотин-қизларни ижтимоий ҳимояси ва кафолатларини янада кучайтиришнинг зарурияти	117
30	<i>Зоҳиров Р.Т.</i>	Ҳаракатлар стратегияси – оила институтини мустаҳкамлаш дастури сифатида	122
31	<i>Узоқова Г.С.</i>	Хотин-қизлар ижтимоий ҳимоясининг қонуний асослари	127
32	<i>Турсунова О.Ф., Амонов Р. С.</i>	Миллий ғояни ёшлар онгига сингдиришда ҳуқуқий маданиятнинг ўрни ва роли	131
33	<i>Холиқназаров Р.Х., Азметова Д.О.</i>	Мактабгача ёшдаги болалар билан олиб борилаётган фаолиятда актнинг ўрни	136
34	<i>Якубов А.Т.</i>	Ҳуқуқий билимлар тизимида битимларнинг ҳақиқий эмаслик хавфи ва унинг оқибатлари	139
35	<i>Sunatov D.H.</i>	Madaniy makon tushunchasi, mazmuni va xususiyatlari	144
36	<i>Саидқулов Н., Ғозиев З.</i>	Оилада ёшларни бузгунчи ғоялардан асрашда меҳнат тарбиясининг ўрни	149
37	<i>Ғозиев З., Саидқулов Н.</i>	Оилада ҳуқуқий тафаккурни шакллантиришда ота-онанинг ўрни	152

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Фаол тadbиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури 2017-йил маърузасидан.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т. Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.-Т. Маънавият, 2008

ЁТ ҒОЯЛАРНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИГА ТАЪСИРИ

Жамолов Д., Қарши ДУ магистранти

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб республикамизда маънавият масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб берилди. Айниқса, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида ёшларимизни турли кўринишдаги маънавий таҳдидлардан асраш, уларни ҳар хил нохуш воқеа-ҳодисалардан доимо огоҳ бўлиб яшашга ундаш давлат ва жамоатчилик олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ёшларни “оммавий маданият” ва бошқа ёт ғоялар таъсиридан асраш, уларда бундай иллатларга қарши маънавий иммунитетни шакллантириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга юртимизда алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2016 йил 15 сентябрда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун бу борадаги ишларни янги босқичда давом эттиришга хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжат ижроси доирасида ўтказилаётган турли тadbирлар ёшларни миллий менталитетимизга ёт ғоя ва оқимлар, жумладан, “оммавий маданият” таъсиридан асраш, уларни огоҳлик ва ҳушёрликка даъват этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Ёшларда маънавиятимишга ёт бўлган турли ғояларга нисбатан мафқуравий иммунитетни шакллантиришда уларни ёшлигиданок буюк

алломаларимиз ҳаёти, инсоний фазилатлари ва илмий меросларидан ибрат олишга ўргатиш, халқимизнинг миллий маънавияти, оила қадриятлари асосида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Оила ва жамоа аъзолари даврасида ўтказилган маросим ва тадбирларда оила ҳамда жамоа турмушига доир масалалар ўз ечимини топиб, болалар иштироки уларда аҳиллик, жамоавий уюшқоқлик, ўзаро ёрдам муносабатларини шакллантирган. Улар ўз тенгқурлари орасида жўра-ўртоқчилик орқали ўзларининг “кичик жамоа”ларини тузадилар. Оилавий маросимлар, жамоавий йиғинлар, байрамлар, сайиллар, чойхоналар, масжидлар, маҳалла гузарларидаги бошқа турли жамоавий тадбирлар дастлабки энг асосий тарбия воситалари вазифасини ўтаган. Тарбия билан боғлиқ урф-одатларнинг аксарияти қишлоқларда оқсоқол, кайвонилар, кўни-қўшнилари иштирокида ўтганлиги аниқланган. Оқсоқоллар қишлоқ болалари келажикга эътиборли бўлишган. Шу боис ҳар бир ёшнинг ақлузаковати, ахлоқ-одоби, юриш-туриши, энг аввало, жамоадан сўраб -суриштирилган. Зеро, ҳар қайси давлатнинг ёшларининг эртанги кунини, тақдирини белгиловчи омил ҳисобланади. Шундай экан, мафкуравий иммунитет ёшларнинг маънавий тарбиясида ҳал қилувчи мезон эканини доимо назарда тутишимиз зарур.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида ҳам ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялашни таъкидлаган эди. Бинобарин, экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилишини инобатга олсак, дунё аҳолисининг 2 миллиард нафарини ташкил этувчи ёшларнинг таълим-тарбияси сайёрамизнинг эртанги кунини, фаровонлигини белгиловчи омил эканлигини чуқур англаймиз. Президентимиз таъкидлаганидек, ёшларнинг ўзлигини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси тарқалишининг олдини олиш ҳамда ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Миллатимиз маънавияти чуқур тарихий илдиъга эга, унга зид бўлган "оммавий маданият" таъсирига тушган ёшлар миллий маданий меъросни, анъаналарни ва ўзлигини унутди. Ёшларнинг турли оқимларга кириб қолиш сабаблари каторида уларнинг дунёқароши торлиги, диний илмларни эгаллашга бўлган қизиқиши ҳамда ишонувчанлиги, бирданига ва ҳамма нарсага (бойлик, шон-шуҳрат, мартаба ва х.к.) эга бўлишга интилиши каби маънавий-рухий омилларни алоҳида ажратиб кўрсатиш дозим.

Бугунги кунда жаҳолат (билмаслик) турли кўринишларда ўзини намоеъ қилмоқда. Шулардан бири диний билим-сизликдир. Диний ва дунёвий саводи паст бўлган кишилар ўзларици ислом динининг жонкуярлари қилиб кўрсатувчи, аслида эса, ҳокимиятни эгаллашни мақсад қилиб қўйган турли оқим вакилларининг курук ваъдаларига алданиб қолмоқдалар. Мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда ёт ғоялар кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига оладиган мафкуравий профилактиканинг ўрни катта. У ижтимоий институтлар томонидан хилма-хил шаклларда амалга ошириладиган маънавий-маърифий ишлар мажмуини, тўғри ташкил этилган тарбия тизимини қамраб олади.

Иммунитет тиббиётда организмнинг ўзини зарарли таъсирлардан химоя қилишга қодирлигини, тананинг турли юкумли касалликларга берилмаслик хусусиятини англатади. Инсон организмнинг ана шу умумий иммунитет тизимидан фаркли равишда, мафкуравий иммунитет ҳар бир авлод учун ўзига хос хусусиятга эга бўлади ва мафкуравий далхсизликни таъминлашга хизмат қилади. Жамиятнинг ўз эртаси ва келажакига ишончи ўз-ўзидан ҳосил бўлмайди. Бунинг замирида миллат бахт-саодати йўлида фуқаро манфаатидан келиб чикувчи фаолият — мафкуравий тарбия ётади. Жамиятга ёт мафкуралар ўз ғояларини бирданига олиб қира олмайди. Улар аввало миллат азалдан ишониб келган нарсаларга ишончини, умидини сўндиради. Бунинг учун миллат ишониб келган кадриятлар ёмонланади, обрўсизлантирилади. Натижанда мафкуравий иммунитетни синдиришнинг биринчи босқичи амалга ошади — миллат ўзи ишониб келган ғоялар,

кадриятларга бефарқ муносабатда бўла бошлайди. Бўшлик ана шундай яратилади.

Мафкуравий бўшлиқ ҳосил бўлгач, энди унинг ўрнини тўлдирувчи ёт гоёлар жозибали тасвирлана бошланади. Бузгунчи гоёга ҳос «янгилик» ва у бераётган ваъдалар одамларнинг қалбига кира бошлайди. Мафкуравий бўшлиқ шу тариқа тўлдирила бошланади. Ёт мафкуралар энг аввало айрим ёшларнинг гоёвий-сиёсий тажрибасизлигига таянади. Ёт мафкура ва бузгунчи таъсирларга қарши кураш мафкуравий тарбияда лоқайдлик, бефарқлик кайфиятининг ҳар қандай кўринишларига мурасасизликни тақозо қилади. Қарши тарғибот самарадорлигининг зарур тамойилларидан бири унинг тезкорлигидир. Унда муайян минтақавий шароитларни, кишиларнинг ёш хусусиятларини, мафкуравий имкониятларини ҳисобга олиш кўзда тутилади. Шу боис, турли бузгунчи гоёлар “оммавий маданият” ниқоби остида ёшларни тўғри йўлдан оғдириш мақсадида, биринчи навбатда, уларнинг маънавиятини эгаллашга ҳаракат қилаётганлиги бежиз эмас.

Ёшлар онгини эгаллашга уринаётган мафкуравий хуружларга қарши курашиш, халқимизнинг миллий кадриятларини, маънавиятимизни асраб-авайлаш давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлган муҳим масалалардан биридир. Мамлакатимизда қабул қилинган қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ёшларни маънавиятимизга ёт гоёлар, айниқса, “оммавий маданият” таъсирига тушиб қолишдан асрашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ш.М.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т., Ўзбекистон. 2016 й

3. И.А.Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч.Т.2008

4. О.Бўриев, Б.Саидов. Маҳалла-Миллий институт. 2012

Internet saytlari.

www.ziyonet.uz

www.edu.uz

www.mahalla.uz

www.uza.uz